Хаётнинг (яккама-якка) кураш майдонида ва жахон халклари орасида ислом оламининг фарсах-фарсах оркада колганлигини баён килишга эхтиёж йўкдир. Биз туркистонлилар эса бошка исломий жамиятларга нисбатан дунёи жахон паришонликка тушиб, йўлимиздан адашганмиз. Ажабо, бу паришонликнинг сабаби недир?

Туркистонлиларнинг аксарияти бу саволга жавоб беришда икки тоифага бўлинадилар! Миллат ва ватанлари учун кайгурган бир тоифа бу паришонликни илмсизлик ва танбаллик окибати деб билади. Хакикатан хам, тушкунлик ва хароблигимизнинг сабабларидан бири илмсизлик ва харакатсизликдир. Лекин буларнинг хам асл сабаби, ана ўша тушкунлигимизнинг асосий сабабидир. Ажабо, бу сабаб нима экан?
Бу масала хусусида иккинчи тоифа туркистонлиларнинг нуктаи назарини бахс мавзуига киритсак, уларнинг нима дейишлари маълум бўлади. Оркада колганлигимиз хусусида бу томоннинг асосий кисми куйидаги фикрларни келтирадилар:
1. Паришонлигимиз ва тушкунлигимизга сабаб йўк, бу илохий хохишдир.
2. Худо бу дунёни кофирлар учун жаннат, мўъминлар учун дўзах килиб яратгандир.
3. Киёмат якиндир, мусулмонлар бу дунёда аста-секин камайиб бормокдалар.
4. Хазрат Пайгамбаримиз «кулли явмин бадтар»6 деб айтганларидек, мусулмонларнинг куни кундан баттар бўлиб бормокда.
Маълумки, бу мулохазалар билкул пуч ва ботилдир.

Унга жавоб бериш у ёкда турсин, балки уларни эшитмоклик ўзи тўгри эмас. Банда хам маълум муддат халк ва миллатнинг хароблиги сабабларини излаб топиш учун хар тарафга югуриб, кўп кишини сўрокка тутдим, аммо хеч кимдан коникарли жавоб ола билмадим. Окибат, биз туркистонлиларнинг мусулмонлигимиз ва мукаддас Китобга эга эканлигимиз ва шу Китобни ягона рахнамойимиз деб тасдиклашимиз хотирамга келди. Энди шу муаззам ва мукаррам дастуруламал бўлмиш Китобга таважжух килишдан бошка чора колмади. Бу хусусда У (Куръони карим) бизга рахнамолик киладими-йўкми деб, камоли калб ва вужуди бебизоат ила Куръони азим мутолаасига машгул бўлдим ва матлабимга эришдим. Куръони карим аввал менинг саволимга шу тарика жавоб берди: «Албатта, неъмат берилган кавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллох уларнинг холини ўзгартирмас».
Инсоф юзасидан ислом оламига диккат билан карасак: оз сонли араб кабилалари Расули айлайхиссалом хидояти билан шараф топгувчи ислом динига кириб, 23 йил мобайнида, яъни Хазрати набий замонларидан то хазрати Умар вафотларигача бўлган муддатда дунёнинг икки йирик давлати бўлган Эрону Румни маглуб килдилар. Шундан бани Умайя халифалиги асригача ислом салтанати-нинг худудлари Чин (Хитой)дан Хиндгача, Мисрдан Андалусиягача чўзилди. Уммавий ва аббосий халифалари Багдоду Андалусияда ажойиб мадрасаю файзлик мактаблар очдилар. Ўз замонасининг олим ва фан арбобларини дину мазхабига карамай бир жойда жамладилар. Киска вакт орасида бу икки улуг ислом пойтахтлари дунёдаги илм ва маърифат марказига айланди. Нафакат туркистонли мусулмонлар, балки фарангистонли насронийлар хам илм тахсили ва билим олиб яшаш учун Багдоду Андалусияга кела бошладилар.
**Ажабо, шунча буюклик (не холда?). Шунча азимат ва улуглик каерга йўколди? Нечун ахли исломнинг дунёи жахон дониши илмларининг шарофати шу кадар**

**бахтсизлик ва жахолатга дучор бўлди?!**
Хозир умумий ислом оламининг ахволидан ўтиб, ўзимизнинг (шу кунги) холимизни тадкик килсак. Бир вактлар мамлакатимиз маданият куёшининг мабдаи, маърифат дарёсининг манбаи сифатида танилган эди. Форобийлар, Бухорийлар, Абу Али ибн Синолар, Улугбеклар мамлакатимизни жахон сахнасига чикарган эдилар. Бизнинг мамлакатимиз минглаб машхур олимларни чор-атрофга стказиб бериб, кўшниларининг хам шарафини овоза килиб, дунёга таратган эди. Саноатимиз шу даражада эди-ки, халифалар шунча азимат ва шавкатли бўлишларига карамай, либос, кийим-кечакларини бизнинг мамлакатимиздан олиб кетардилар.
Ажабо, бу меросу саодатнинг баланд чўккисидан кандай килиб тушиб колдик? Бу хусусда ўзимизнинг уламоларимиздан сўрасак, «кулли явмин бадтар», «бу хохиши илохий» ва «киёмат якиндир» деган гаплардан бошкасини айтмайдилар. Лекин Куръони каримга мурожаат килсак, тўгри, яхши жавобга юзма-юз килиб, бизга уни кўрсатиб кўяди. Агар шунга хам каноат килмасак, унда мана жавоби: сабаб шуки, ўтган кавмларнинг бошларига азоб юборилди. (Негаки) хар кавм солих амалларини ёмон одатларга алиштирар экан, Аллох ўз неъматларини улардан тортиб олиб, ўрнига азоб юборар.
Хўш, хозир кайси далилни кабул киламиз? Уламоларимизнинг сўзларини кабул килиб, бошимизга келган ва келаётган хар балони илохий ризо деб кетаверамизми, ё Куръони карим фармойишларини жон кулогимиз билан эшитиб, шу бахтсизликларимизга сабаб ёмон амалларимиздан деб хисоблаймизми?!
Бу саволга хам Куръони карим камоли катьият ва махобат билан жавоб беради: «Аллох одамларга зулм килмайди, балки улар ўзлари ўзларига зулм килувчилардандир...» «Сизларга етган хар бир мусибат ўзларингизнинг носоз феълу амалларингиздандир, гунохларингизнинг кўпларини Аллох афв этади. Агар гунохларингиз эвазига мусибатлар юборилса, холингизга войдир! Сизларнинг амалингиз туфайли бу дунё мусибатлардан халос бўлмас эди. Сизларга Аллохдан ўзга химоячи мададкор, балоларни даф этувчи йўкдир».
Чунончи, тарих китобларида мана бу вокеа муфассал келтирилган: «Ухуд жангининг бошланишидан олдин ис-лом лашкари токка чикиб кофирларга карши юзма-юз туриб саф турдилар, ислом аскарининг чап тарафида бир ингичка дара (йўл) бор эди. Хазрати Расули алайхиссалом жанг кизиган пайтда кофирлар шу дарадан хужумча даврадан тушган эмас эдилар. Хинд мусулмонлари ислом хакойикларини хурофот ва бани Исроилнинг афсоналари эвазига фидо килмаса, мажусийлардан хам баттар холга тушмас эдилар...
Ахир инсоф ва тааммул килиб айтиш керакки, биз ўзимизни мусулмон деб биламиз-у, лекин ислохот амрларини кўриб, билиб туриб кўпларига амал килмаймиз, илохий хукмлардан камоли бебошлик билан чикиб кетамиз, иттифокимиз йўк, такво килмаймиз; ўртамизда ўзаро ёрдам йўк, хак талабини бажариш йўлида бирга кадам босмай-миз; рибохўрлик киламиз, шароб ичамиз, гийбат ва хасад киламиз. Шариат манъ этган барча ишларни киламиз ва (шунинг учун хам) ахлокий разилликларга гирифтормиз.
Вужудимиздаги шунча нуксон билан ўзимизни комил мусулмон деб биламиз, биров бизни бу инсофсизликлардан манъ килса, уни кофир деймиз. Хар нафасда 70 марта мусулмонман, деб лоф урамиз-у, хаёлимизга эса, «бир комил мусулмончалик амал килайлик» деган ўй келмайди.
Бир мулохаза килинг: мусулмон киши Аллох таоло-нинг ягоналигига, анбиёларнинг

нубувватига, самовий китобларга ва киёмат кунига иймон келтирган бўлса, яъни буларнинг барчасига ишонса, биз хаммамиз буларнинг барига иймон келтирганмиз, дейди. Ха, биламиз, сиз бу-ларнинг барчасига иймон келтиргансиз ва арабча «оман-ту биллохи ва малоикатихи» (яъни Аллох ва унинг малои-каларига иймон келтирдим)ни яхши укиб тушунасиз. Ле-кин афсуслар бўлсинки, мен сизнинг иймонингиз сама-расини кўрмаяпман, яъни иймонингизга мувофик амал килмайсиз. Вахоланки, хазрати Пайгамбаримиз буюрган-лар: «Иймону амал бир-бири билан якиндир (вобастадир), бири иккинчисиз тўгри бўлмайди» («Ал-жомеъ ас-сагир»-дан).
Шу масала юзасидан яна бир мисол келтирайлик. Сиз Бухорода миршаб борлигига ва унинг амрига хилоф борган хар бир кишини хибсга олишига шубхасиз ишонасиз. Энди каранг, шу миршаб «кечки вакт уйдан чикманглар», - деб буйрук берса, сиз мазкур хукмга карши кеч-курун уйдан чикасизми ёки йўк? Албатта, чикмайсиз. Зеро, миршаб ва хибсхонани хак деб биласиз. Хар ким унинг хукмига карши борса, камок жазосига мубтало бўлишига ишонасиз. Мусулмонлик лофини уриб юрасиз-у, назарингизда, ёмон кўринган одамни кофирликда айблайсиз. Агар Хак таолога, киёматнинг хаклигига шу миршабга ва хибсхонага иймон келтиргандек иймон келтирсангиз, агар илохий хукмларга шу миршаб ва хибсхонага эътибор берганчалик эътибор килсангиз, нега илохий амрларга хилоф иш киласиз?!
Тарсам караси ба Каъба эй аъроби,
К-ин рах ки ту мерави ба Туркистон аст.
[Эй аъробий, кўркаманки, бу йўл билан Каъбага етмассан,
Бу сени элтаётган йўл Туркистон йўлидир!].
Банданинг бадбахтлигимиз сабабларига багишлаб айтган шунча маърузасидан кейин мухтарам ўкувчилардан бирон фикр чикишига шубха киламан. Лекин бу хасталикларимизга карши кандай чора кўриш керак? Бу харобот ва жахлу гафлат гирдобидан халос бўлиб, тараккиёт, саодат ва тинчликка эришмок учун нима килмок керак? Бу хусусда хам катта-катта уламоларимиздан баъзилари «ахли ислом бу холатдан халос топмайди, зеро бизнинг замон — ислом заифлашган охир замондир» деб айтадилар. Улардан гапларига далил келтиришларини сўрасак, дархол «кулли явмин бадтар» иборасини пеш киладилар. Лекин биз уларнинг гапларига кулок солмай, масала ечи-мини Куръони каримдан излайлик.
«Ушбу Куръон икки дунё саодатидан баён килгувчи-дир. Бу очик-ойдин Китобнинг далолат ва маъвизаларидан бахра олганлар, ана ўшалар Аллохдан кўркувчилардир. Сизга хар бир мусибат етса, ўзингизни хакир psананг (хисобланг, яъни ўзингизга ишончсизлик килманг, беэътибор бўлманг) ва махзун бўлманг (хафа бўлманг), агар Аллохга иймонингиз комил бўлса (Куръон амрларига му-вофик амал килсангиз) икки карра саодати аълога эришасиз». «Эй иймон келтирганлар, (менинг томонимдан) Пайгамбар келтирган хар бир амрни кабул килинг ва сизларга манъ килинган нарсаларга якин борманг, амри илохийга хилоф иш килишдан кўркингки, зеро, Аллохнинг азоби каттикдир». Бу ояти карималардан маълум бўладики, агарда биз Куръон хукмларига амал килсак, паришонлик ва таркокликдан Аллох ризолиги билан халос бўламиз.
Гапни мухтасар килсак, бугун бошимизга келган фалокат ва бадбахтликларнинг ягона сабаби шуки, хикматли хукмлардан ва Куръон натижаларидан узоклашиб кетдик. Агар биз дунё ва охират саодати талабида бўлсак, барча гаразли ва фасод ишларимизни бир тарафга кўйиб, самимий калб билан унга мутеъ бўлиб, Куръон хукмларига бўйсуниб,

ижтимоий хаётимизни шунга мувофик  тарзда тартиблайлик. Бандаи ожизнинг кучсизлиги ва бу (хабарларни)  билмаганлигидан юкоридаги максад учун Куръон хукмлари ва хадисларни жамъ  килиб, шу варaклардан бир рисола тартиб бердим. Агарчи бу рисола  (менинг ожиз каламимга мансубдир) эътиборсиз бўлса хам, бирок Куръон  оятлари ва хадислардан иборатлигидан арбоби диёнат назарига тушади, деб умид килурман.
Мен танийдиганлардан баъзилари шу жойга етганда кулиб:  «Сен хохлаганингни ёзиб, кудратинг етгунча дод-фарёд килсанг хам  Туркистонимизда сенинг сўзларингга эътибор берадиган одам топилмайди», —  дейдилар. Бу биродарларимга берадиган жавобим хам Куръони каримдандир:  «Кофир ва гунохкорлар Куръони карим оятларини ўкиб, уни тушуниб, шундан  кейин хам такаббурлик килиб, (айтилганларга) писанд килмай кулокларини  кар килиб олсалар ва шу гунохларида (каттик) туриб олсалар, хабар бергинки, эй Мухаммад, уларга шиддатли азоб бордир».
Шу билан банда (Аллох, барчамизга тавфик берсин) ўз вазифамни адо этишга киришаман.

Абдурауф Фитрат. "Нажот йўли" китобидан